



Шартнома №205

лот: 168 103

Карши ш.

862/052

17.11.2022 й.

Шартнома матнида бундан кейин “Бажарувчи” (Ишлаб чиқариб етказиб берувчи) деб юритилувчи «Photo express» ХК номидан гувоҳнома асосида иш юритувчи корхона раҳбари З. П. Турдалиев бир томондан ва шартнома матнида бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилувчи “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи бош директор Ш. Ч. Асланов иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Шартнома предмети

1.1 Буюртмачи шартномада келишилган хизмат ҳақини тўлаб бериш, Бажарувчи ўз вақтида кўрсатилган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ҳақиқий бажарилган ишлар учун тайёрлаб бериш ва бажариш мажбуриятини олади

№	Маҳсулот иш, хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Баҳоси	Суммаси
1	Безак ишлари ҳамда матбаа хизматлари	хизмат	1	107876600	107876600
	ЖАМИ				107876600

1.2 Шартномага тегишли №1 илова унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва унда кўрсатилган нархларда ва ҳажмларда маҳсулот (иш, хизмат)лар етказиб берилади.

1.3 Бажарувчи маҳсулот (иш, хизмат)ларни ҳар бир буюртма берилгандан сўнг 10 иш куни муддати ичида етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олади. Томонлар келишувига биноан маҳсулот (иш, хизмат)лар муддатидан олдин бажарилиши ва етказилиши мумкин.

2. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сифати

2.1 Бажарувчи маҳсулот (иш, хизмат)ларни Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари талабларига мос равишда Буюртмачи тақдим этган ўлчам ва чизмалар асосида тайёрланишини зиммасига олади.

2.2 Бажарувчи маҳсулот (иш, хизмат)лар турлари ва сони бўйича тўлиқ тайёрланишни таъминлайди.

2.3 Маҳсулот (иш, хизмат)лар сифати ва сони томонлар вакиллари иштирокида тузиладиган топшириш қабул қилиш ҳужжатларида акс эттирилади.

2.4 Бажарувчи маҳсулот (иш, хизмат)лар сифатига қафолат беради.

2.5 Буюртмачи иловаларда кўрсатилган талабларга мос бўлмаган маҳсулот (иш, хизмат)ларни қабул қилмасликка ҳақли.

3. Маҳсулот (иш, хизмат)лар нархи ва ҳисоб китоб шартлари

3.1 Буюртмачи, бажарувчи томонидан бажарилган иш далолатномаси ва ҳисоб варакаси имзоланган санадан бошлаб 20 банк иш куни ичида тўлаб беради.

3.2 Томонларнинг келишувига кўра иш ва хизматлар учун тўловлар аввалдан амалга оширилиши мумкин.

3.3 Шартноманинг умумий суммаси 107876600 сўм.

3.4 Томонлар келишуви бўйича, молиявий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, тўловларни амалга ошириш турлари ва муддатларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

3.5 Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб хом ашё материалларининг нархи ўзгаришига қараб илопада кўрсатилган нархлар томонлар розилигига кўра ўзгариши мумкин.

4. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни етказиб бериш шартлари

4.1 Буюртмачи маҳсулот (иш, хизмат)ларни ўз кучи ва транспортида ташишни зиммасига олади.

4.2 Буюртмачи тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот (иш, хизмат)ларни сони ва сифати бўйича қабул қилиб олишни зиммасига олади.

4.3 Топширув-қабул қилув ҳужжатлари имзоланган сана маҳсулот (иш, хизмат)лар етказиб берилган сана бўлиб ҳисобланади.


5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 Бажарувчи маҳсулот (иш, хизмат)ларни етказиб беришни келишилган муддатлардан кечиктирган ҳар бир куни учун буюртма қийматининг 0,02 % миқдорида жарима тўлайди. Жарима суммаси шартнома қийматининг 50 (эллик) фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас. Жарима чоралари қўлланилиши бажарувчини маҳсулот (иш, хизмат)ларни етказиб бериш мажбуриятидан ҳалос этмайди.

5.2 Буюртмачи маҳсулот (иш, хизмат)лар учун тўловларни амалга оширишни кечиктирган ҳар бир куни учун буюртма қийматининг 0,02 % миқдорида жарима тўлайди. Жарималар суммаси шартнома қийматининг 50 (эллик) фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас. Жарима чоралари қўлланилиши буюртмачини маҳсулот (иш, хизмат)ларни сон ва сифат бўйича қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятидан ҳалос этмайди.

6. Шартнома муддати, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиблари

6.1 Шартнома томонлар имзолаган санадан бошлаб қўлла қилади ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.



6.2 Шартномага ўзгартириш киритиш ва қўшимчалар томонлар ўзаро келишувига асосан киритилади ва қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

6.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга:

- маҳсулот (иш, хизмат)лар шартномада белгиланган муддат, сифати ва ҳажмда етказиб берилмаган тақдирда;

- бажарувчи буюртмаларни ўз вақтида тўлиқ бажариш имкониятига эга эмаслиги аниқланган ҳолларда;

- бажарувчи шартнома шартларини қўпол тарзда бузган ҳолларда;

6.4 Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга:

- буюртмачи бўнак тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда;

- буюртмачи бажарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш имкониятига эга эмаслиги аниқланган ҳолларда;

- буюртмачи шартнома шартларини қўпол тарзда бузган ҳолларда;

6.5 Шартнома томонлар келишувига асосан ёки томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бунда, шартномани бекор қилиш истиагини билдирган томон иккинчи томонни 10 (ўн) иш куни олдин огоҳлантириши лозим.

7. Шартноманинг коррупцияга қарши қисми

7.1 Жинойтчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (легаллаштириш) ва терроризмни молиялаштиришнинг халқаро ҳужжатларда назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарликка қарши курашиш қонун ҳужжатларига кўра давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органи ходимининг пора олиши, тижоратда пора олиш ёки пора беришда иштирок этиш каби ҳаракатларни рад этиш, шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар амалдаги коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этадилар, қафолатлашда ўзлари, шу жумладан ходимлар, афилланган шахслар, бенефициарлар ва бизнес шериклар, воситачилар, пудратчилар, пудратчилар ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар ушбу қонунга зид равишда ҳаракат қилмаслигини таъминлайдилар;

7.2 Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамоилларига зид бўлган мақсадларда уларга таъсир ўтказувчи ҳар-қандай шахслар, томонлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахс орқали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, пул бошқа қимматбаҳо буюмлар, мол-мулк, ҳуқуқи ёки бошқа моддий ёки номоддий фойдаларни олишда, асоссиз устунликка эришиш ёки бошқа қонуний мақсадларга эришишда розилик беришдан воз кечадилар;

7.3 Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини қўришни қафолатлайдилар. Томонлар қонун бузилишига оид гумонларнинг пайдо бўлиши ёки Шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинган Томонлар, ходимлар, фойда олувчилар, афилланган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилиш эҳтимоли борлиги тўғрисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) бир-бирларини ёзма равишда очик ва дарҳол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар;

Шунингдек, агар томонлардан бири асосланган ҳолда ёки шубҳа остидаги бошқа томон, унинг ходимлари, бенефициарлари, шериклари ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган бошқа шахслар томонидан амалдаги қонунларнинг ва/ёки ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши қоидалари бузилган бўлса, ушбу томон унга ёзма равишда сўров юборишга ҳақлидир. Талабнома қилиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида қонун бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар ва маълумотлар/ҳужжатларни тақдим этиш талаби билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга;

7.4 Томонлар, агар томонлардан бири ушбу боб талабларини бажармаган бўлса, шунингдек бошқа томон бузилиш содир бўлмаганлигини ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқ олмаган бўлса ва томон коррупция хавфини қамайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган бўлса, бошқа томон ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга;

7.5 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича Шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилишни томон томонидан еказилган зарарни қоплаш ушбу Шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон Шартномани белгиланган бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақи эмас;

7.6 Агар қелишув бўйича томон Компания ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига, ушбу шартномага ва/ёки амалдаги қонунчиликка, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга мажбурлаш фактларига дуч келса, томонлар бу ҳақда коррупцияга қарши қоидаларга зид бўлганлиги тўғрисида қуйидаги алоқа каналларидан бири томонидан хабар бериши шарт

- +99875 552-42-54 рақамли “Ишонч телефони” оғзаки мурожаат қилиш;

- Жамиятнинг расмий веб-сайти орқали secc.uz;

- Жамиятнинг почта манзилига юборилган ёзма мурожаат орқали.

8. Форс-мажор

8.1 Томонлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар яъни табиий офатлар, ҳарбий уруш ҳолатлари ёки бошқа енгиб бўлмас қучлар оқибатида ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмасалар жавобгарликдан ҳолис бўладилар.

9. Қўшимча шартлар

- a. Томонлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа учинчи шахсларга юклашлари мумкин эмаслар.
- b. Шартнома шартлари тўлиқ бажарилишидан олдин томонлардан бири тугатилган тақдирда шартнома бўйича ҳисоб-китоблар, эълон қилинган санада ҳақиқатда етказиб берилган маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича амалга оширилади.
- c. Томонларнинг келишувига кўра шартномада кўрсатилган иш ва хизматлар ҳажмини ўзгартириш шартномада кўрсатилган бажарилмаган иш-хизматлар ҳисобига нархларни ва шартнома суммасини ўзгартирмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.
- d. Шартнома бажарилишига таъсир этувчи ҳолатлар бўйича юзага келган тушунмовчиликлар англашилмовчиликлар томонлар келишувига асосан ҳал этилади. Маълум келишувига эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан суд тартибида ҳал этилади.

10. Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари ва имзолари

“БАЖАРУВЧИ”

“PHOTO EXPRESS” ХК
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри,
Мустақиллик 22
х/р 20208000604287923001
АТБ Ҳамкорбанк Қарши филиали
МФО 01031 СТИР 204711680
ОКОНХ 90310
ККС 310010017233



З. П. Турдиалиев

“БУЮРТМАЧИ”

“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан
қўрғони
х/р 20210000104039001001
ТИФ Миллий банк Қарши филиали
МФО 00150 СТИР 203195074
ОКОНХ 11232
ККС 310040008840



Ш.Ч. Асланов



ЮРИДИЧЕСКИЙ ОТДЕЛ
ООО "ШГХ"
[Signatures]

Илова №1

Безак ишлари ҳамда матбаа хизматлари бўйича
№ 205 “14” 11 2022й шартномага тегишли

Безак ишлари ҳамда матбаа хизматларининг тавсифи

№	Номланиши	Тавсифланиши	Улч. бир.	Микдори	Нархи	Сумма
1	Баннер тайёрлаш ишлари ва хизматлари	эко-солвент бўёқда чоп этиш, рейкали, заклёпкали, 3D печать ва зарур материаллар	м²	312	129500	40404000
2	Бланка	ШГКМ ехтиёжи учун логотип туширилган иш бланкалари тайёрлаш ва хизмати	дона	40000	798	31920000
3	Табличкалар тайёрлаш	Материал: фомикс, оракал, книжная табличка, А4 табличка, А3 табличка ва зарур материаллар	дона	47	135000	6345000
4	Вывескалар тайёрлаш	Фосфорли курсаткичи белгилар тайёрлаш ишлари ва хизмати	см²	15900	68	10812000
5	Шахсий дафтарлар	ШГКМ ехтиёжи учун логотипли шахсий дафтар тайёрлаш ишлари ва хизмати	дона	500	19100	9550000
6	Гувоҳнома тайёрлаш	ШГКМ ехтиёжи учун логотипли гувоҳнома тайёрлаш ишлари ва хизмати	дона	600	8400	5040000
7	Фоторамкалар тайёрлаш	Материал ойна, пластик, багет, ёғоч багет, А4 рамка, А5 рамка, А4 рамка, А3 рамка, фахрий ёрликлар, табриклар ва зарур материаллар	см²	37200	48	1785600
8	Ипак матога чоп этиш	Ипак матога чоп этиш, кенг форматли чоп этиш, байроқлар ва зарур материаллар	м²	3	72000	216000
9	Ёпишқоқ винил плёнкада Оракал материал чоп этиш ишлари	ёпишқоқ винил плёнка Ocasal, сеткали оракал плёнка, оракал прозрачный, оракал 3D, оракал рангли, оракал отражающий, оракал прозрачный ва зарур материаллар	м²	22	82000	1804000
	Жами:					107876600

“БАЖАРУВЧИ”


“PHOTO EXPRESS” ХК

 З. П. Турдалиев



“БУЮРТМАЧИ”

“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ

 Ш. Ч. Асланов





Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Администрацияси
хузуридаги Ахборот
ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги

№ 5581-9461-4243-2с7b-7с73-2369-9940
Хужжат яратилинган сана: 2022-01-27
Ариза рақами: 45439611

Хужжат берилган: ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "PHOTO
EXPRESS"
Кабул қилувчининг идентификация рақами: 204711680

**Матбаа фаолиятини бошлагани ҳақида виколатли
давлат органини кабардор қилгани тўғрисидаги
ТАСДИҚНОМА**

Хабардор қилувчи юридик шахс ёки ЯТТ номи: ЧАСТНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ "PHOTO EXPRESS"

Матбаа корхонасининг ихтисослашуви: Мухр ва тамға тайёрлаш, Босма маҳсулотларнинг қолипларини тайёрлаш, Оффсет усулида чоп этиш, Флексо усулида чоп этиш, Босма қолипларсиз чоп этиш, Трафарет ёки шойтрафарет усулида чоп этиш, Брайл усулида чоп этиш, Тайёр маҳсулотлар ва материалларга босиш, Чоп этишдан кейинги жараёнлар ва муқовалаш

Худуд: Қашқадарё вилояти

Фаолиятни амалга ошириш манзили: QARSHI SHAHAR, MUSTAQILLIK KO'CHASI, 22-UY

СТИР: 204711680

Хабарнома қабул қилинган сана: 2022-01-27

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун yegona.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг коёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъий таъқиқланган.

8720

